

“Тасдиқлайман”

Шахрисабз ободонлаштириш бошқармаси

бошлиғи

Ж. Турдиев

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ.

Шахрисабз тумани Истикбол МФЙ Аммоғон ,Беклар, А.Қодирий ва Турон кўчаларини жорий таъмирлаш

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ МАЗМУНИ	ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ
Танлаш ўтказиш шакли:	Танлаш ўтказиш тўғрисида эълонда (1-иловага мувофиқ) кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.
Давлат буюртмачиси:	Шахрисабз туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси (бундан буён матн да буюртмачи деб юритилади).
Харид предмети:	Шахрисабз тумани Истикбол МФЙ Аммоғон ,Беклар, А.Қодирий ва Турон кўчаларини жорий таъмирлаш
Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш,хизматни тугаллаш) шarti:	956 331 779 (Тўққиз юз эллик олти миллион уч юз ўттиз бир минг етти юз етмиш тўққиз) сўм. Таъмирлаш ишларини бажариш 45 кунгача
Молиялаштириш манбаи ва валютаси:	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган “Очик бюджет” жамғармаси маблағлари Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида
Тўлов шартлари:	Шартнома кучга киргандан сўнг 30 фоиз миқдорда олдиндан тўлов амалга оширилади ва таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг, қолган 70 фоизи тўлаб берилади.
Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:	Шахрисабз тумани Ободонлаштириш бошқармаси
Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:	Сапаров Фахриддин Аспи Жаллоб кучаси 76 уй. Тел 522-40-38
Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг, камида беш иш куни давомида, соат 9-00 дан 18-00 га қадар танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича қабул қилинади.
Танловда иштирок этиш шarti:	Танловда иштирок этадиган талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий ахборот (Устав ва гувоҳнома таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари); Танлов иштирокчиси томонидан танловда иштирок этишни таъминлайдиган малака ҳужжатлари, танлаш таклифини қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган зақалат ёки банк қафолатининг мавжудлиги –Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган махсус техникалари тўғрисида маълумотлар,- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги уч йиллик ш тажрибасига оид ҳужжатлар.-Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш,- Танлов иштирокчисини салоҳиятини белгилловчи ҳужжатлар, -Танлов иштирокчисини иш ҳақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар.(Иштирокчилар танлов таклифларини махсус ахборот порталида эълон қилинган тартибда танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича электрон тарзда махсус ахборот порталида жойлаштирадilar)
Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:	Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган малака танловида ҳужжатларни электрон жойлаштирилишида, барча ҳужжатлар тўлиқ ва сифатли кўринишда бўлиши шарт.Ҳужжатлар асл нусхалари рангли сканер ҳолатида жойлаштирилади. Барча ҳужжатлар аниқ кўриниб туриши, шунингдек талабгор раҳбар имзо ва муҳрлари билан тасдиқланган бўлиши шарт.Ёлғон ва нотўғри киритилган маълумотлар жойлаштирган (электрон тизим орқали ўрганилиб) иштирокчилар танловдан четлаштирилади.Барча иштирокчилар танловда қатнашишда меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилишлари шарт.Ҳужжатларнинг сифат кўрсаткичлари ва тўғри расмийлаштирилишига алоҳида эътибор берилади.

Шахрисабз туман ободонлаштириш

бошқармаси бўлим бошлиғи:

Шахрисабз ободонлаштириш

Бошқармаси бош ҳисобчиси:

Т.Турдиев

Ф. Сапаров

ТАСДИҚЛАЙМАН”

Шахрисабз туман ҳокимлиги ободонлаштириш

бошқармаси

бошлиғи Ж. Турдиев

“ 3 ” декабрь 2022 йил

Шахрисабз тумани ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йилги жамоатчилик фикри асосида шаклланган, "Очиқ бюджет" жамғармаси ҳисобидан пудрат ишлар бўйича "Энг яхши таклифларни танлаш" электрон тизимида жойлаштириладиган эълон талабномаларида

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	ТАЛАБ НОМИ	БАЛЛ	ТАВСИФИ
1	Танлов иштирокчиси хақида умумий маълумотлари иш хақи жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлар	20	Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари. СТИР рақамлари. Статистик маълумотлар. Ходимлар сони ва тажрибаси тўғрисида маълумотлар меҳнат уз порталидан ўтган бўлиши, ишчилар сони 15 тадан кам бўлмаслиги, ушбу иш тури бўйича малакали мутахассислари бўлиши шарт. Ходимларнинг иш хақи реестри солиқ томонидан тасдиқланган ҳолатда ҳисоботлар билан биргаликда асли тақдим этилиши шарт.
2	Танлов иштирокчиси томонидан танловда иштирок этишини таъминлайдиган малака ҳужжатлар мавжудлиги Ушбу иш турини сифатли ва тез муддатда бажарилиши бўйича кафолат хати ва бажариш графиги	20	Танлашда иштирок этиши учун малака ҳужжатлари (Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза, танлаш предмети бўйича таклиф, 3 йиллик молиявий ҳисоботлар, иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатарида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлиги, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлар мавжуд эмаслигини тасдиқловчи кафолат хати, харид комиссия раиси номига ёзилган коррупция кўринишларга йўл қўймаслик бўйича ариза) Ушбу иш турини сифатли ва тез муддатда бажарилиши бўйича кафолат хати ва бажариш графиги
3	Танлаш таклифининг қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закат пули мавжудлиги	20	Талабгор ташкилот таъмирлаш ишларини сифатли ва белгиланган муддатда тугатишини асословчи танлов предмети бўйича талабгор ташкилотнинг банк ҳисоб рақамида танлов предмети камиди 20% миқдорда маблағлар қолдиғи бўлиши шарт. Агар ушбу талаб бўйича маълумотлар тўлиқ ва сифатли бўлмаган тақдирда, комиссия таркиби томонидан иштирокчи таклифи рад этилиши, ёки қисман баҳоланиш мумкин. Маълумотномалар эълонга қўйилган санадан кейинги санада банк электрон имзоси орқали тасдиқланган ҳолатда бўлиши шарт
4	Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланиладиган махсус техникалари мавжудлиги ҳамда қурилиш иши бўйича бетум, асфальт маҳсулотлари захираси ташкилот баъзасида борлиги тўғрисида маълумот	30	Танлов иштирокчисининг ушбу қурилиш ишига тегишли махсус техникалари (Автогрейдер, Каток 9-12 тон, Асфальто укладчик, Водовоз, Самосвал) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, асли техпаспортлар.) асли ҳолатда тақдим этилиши шарт. Ижара асосида фойдаланиладиган техникаларга қисман баҳо берилади. Бунда ижара шартномаси, кафолат хати ва техникаларнинг техпаспортлари асли ҳолатда тақдим этилиши шарт ҳамда юқоридаги ишга керакли кичик механизмлар рўйхати расм асосида ташкилотга тегишли бўлиши шарт.

5	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги йиллик иш тажрибаси. Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш	15	Охириги йил давомида ушбу иш тури бўйича бажарилган ишлари бўйича Ф-2 ва Ф-5 маълумотлари асл нусхалари (солик порталидан) тақдим этилиши шарт. Бошқа иш турлари ҳисобга олинмайди. Шунингдек аввалги таъмирлаш ишлари бўйича тегишли буюртмачилар томонидан ижобий тавсияномалар ёки ҳулосалар. Жорий таъмирлаш объектини жойида ўрганилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар
6	Танлов иштирокчисининг салоҳияти	20	Пудрат ташкилоти электрон рейтинги тўғрисида маълумот. Тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги. Ҳисоб рақамидаги қолдиғи. Солик, банк кредитлари ва бошқа тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар эълонга қўйилган кундан кейинги сана билан асли электрон имзоли ҳолатда тақдим этилиши шарт
ЖАМИ:		125	

Изоҳ: Танлов якуни бўйича баҳолаш натижаларидан норози бўлган иштирокчилар, Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2022 йилги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунинг 62-моддасига асосан, ўз шахсий қабенитлари орқали 2 иш кунида электрон тизим орқали аниқ далилларга асосланган ҳолда ўз эътирозларини жойлаштиришлар мумкин.

Агар икки иш кун ичида танлаш иштрочилар томонидан ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади. Шунингдек муҳокама белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмаслигитўғрисида огоҳлантирамыз.

Танлаш харид комиссия раиси:

Ж. Турдиев

Танлаш харид комиссия аъзоси:

Т. Турдиев

Танлаш харид комиссия аъзоси:

Ф. Сапаров

Танлаш харид комиссия аъзоси:

К. Арзиев

Танлаш харид комиссия аъзоси:

А. Бобокулов

Танлаш харид комиссия масъул котиби:

Ф. Нарзиева

